O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 5 июл пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 131 (2693)

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро Кураш уюшмасининг Фахрий Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Кураш бўйича Африка биринчи чемпионати қатнашчилари ва ташкилотчиларидан

Биз, Африка халқларининг вакиллари, кураш бўйича мусобақаларда иштирок этиб, Сизнинг гўзал мамлакатингиз ва дунёга кўплаб буюк зотларни етиштириб берган қадимий халқингиз билан танишиш имкониятига эга бўлган эдик.

Халқингиз кўп асрлик йўлни босиб ўтиб, бундан 10 йил муқаддам ўз мустақиллигини қўлга киритган эди. Биз Сизнинг ўз мамлакатингизни тараққий эттириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларингиздан, шунингдек, уни жаҳондаги пешқадам давлатлардан бирига айлантириш борасидаги интилишларингиздан хабардормиз.

Инсоният янги мингйилликка қадам қўйган ҳозирги кунда Сиз миллий спортни халқаро миқёсга кўтаришда катта муваффақиятларга эришдингизки, у бутун дунёда муносиб равишда эътироф этилди. Бу улкан ғалаба бўлиб, бундай маррага ҳамма ҳам ва ҳар қандай миллат ҳам эриша олмайди.

Шуни алоҳида қувонч билан таъкидламоқчимизки, том маънодаги миллий спорт ўйини бўлган кураш бизнинг қалбимиздан мустаҳкам ўрин олиб, барчамиз учун севимли спорт турига айланиб бормоқда.

Америка, Европа ва Осиё курашчилари сингари, Африка қитъаси спортчилари ҳам курашни дунё миқёсида ривожлантириш ҳаракатининг фаол қатнашчиларига айланаётганини мамнуният билан маълум қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизнинг халқингизга, Ўзбекистон Республикасига тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Чинакам гўзаллик ва инсонпарварлик билан йўғрилган, ер юзидаги инсонларни бирлаштиришга қўмаклашаётган спорт турларидан бири бўлмиш кураш бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланиб бораверсин.

Чемпионат қатнашчилари ва ташкилотчилари номидан
Африка Кураш уюшмасининг Президенти жаноб Андре ФРЕНЧ

2001 йил 2 июл,
Жанубий Африка Республикасининг
Хартенбос шаҳри.

Сўз — Ўзбекистон Қаҳрамонига

Менинг энг ёруғ хотираларим Тошкент авиация заводи билан боғлиқ. Қирқ йиллик ҳаётим шу жойда кечди. Бу қадрдон даргоҳдаги узоқ йиллик меҳнат фаолиятимга назар ташласам, кўп нарсалар хаёлимдан ўтади. Аслида, ўша кезларда отам урушдан қайтмай, онам хастаҳол бўлиб қолгач, оилага қарашиш учун заводга — катта акамнинг ёнига ишга киргандим. Кейинчалик шу ерга жуда боғланиб қолдим. Устозларим кўмаги билан йиғувчи-чилангарлик касбига меҳр қўйдим. Жамоа орасида номим тилга тушди...

ЮРАКДА ШИЖОАТ БЎЛСА, парвоз ҳам баланд бўлади

Энди-энди ўйласам, ўша йилларда заводда ишчи бўлиш ҳеч ким назарига илмайдиган касб саналаркан. Ота-оналар болаларини сергак торттириш учун «институтга киролмасанг, заводда ишчи бўласан» деб танбеҳ беришарди. Нега? Ахир малакали ишчи бўлиш озмунча фахр-ифтихорми. Қолаверса, унга ҳам етарлича уқув, билим ва масъулият керак! Мана мен, ишчи деган шарафли номни оқлаш учун озмунча тер тўкдимми?! Қай касбда бўлмасин, шижоатли ва ўз ишига садоқатли кишигина кўп нарсага эриша олади. Бу нарсани бугунги ёшларимиз билиб қўйишларини жудажуда истайман.

Кўпчилик мендан «Сиз заводга ишга кириб, шу жойдан нафақага чиқдингиз. Ҳаётингиздан хурсандмисиз?» деб сўрашади. Нега энди хурсанд бўлмай. Ахир, инсон фақат тирикчилик учунгина ишламайди-ку?! Ўзининг қўл кучи билан нимадир яратаётганини, юртнинг ташвишига елка тутиб, оғирини енгил қилаётганини ҳис этади, одам. Мен ҳам кўп маротаба Ватан равнақига ҳисса қўшаётганимни ўйлаб суюнганман. Шундай кезларда кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшилган, юрагимда шижоат жўш урган. Ана шу шижоат мени янада кўпроқ ишлашга, янада дадилроқ қадам ташлашга ўргатган, десам янглишмайман. Қанчалик кўп меҳнат қилсам, шунчалик завқланардим, чарчоқни сезмасдим. Қалбимда фахр десамми, ғурур десамми... аллақандай ёруғ туйғулар уйғонарди.

Бугунги кунда миллий ғурур туйғуси ҳақида кўп гапирилади. Менимча, бу оддий, жўнгина туйғу эмас. Йўқ. У жуда ёруғ, жуда улкан туйғу! Ахир ўз юртинг билан, ўз миллатинг билан фахрланиб яшаш қанчалик соз! Айниқса бугун... «Мен ўзбекман! Ўзбек деган сўз бугун дунё бўйлаб жаранглаяпти! Ўзбек миллатига дунё тан бераяпти. Биз илдизлари мустаҳкам ва енгилмас халқмиз!» деган фикрларни хаёлимдан ўтказсам борми, ўша лаҳзадаёқ қайта кучга тўламан, юрагимда қайта шижоат уйғонади, юксакларга парвоз қилгим келаверади. Аслида бундай ҳолатга кўп марта тушганман. Энг ёдимда қолгани — Президентимизнинг менга Қаҳрамонлик унвонини топшириб, кўксимга Олтин Юлдузни тақиб қўяётган лаҳзалардир! Ҳали-ҳали эсласам ҳаяжонга тушаман, мен ўз касбимдан, Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан ниҳоятда фахрланган лаҳзалар эди у! Очиғини айтсам, мен истиқлол йилларининг қаҳрамониман, чунки истиқлол ўзлигимни танитди, узоқ йиллик меҳнатим шу даврда муносиб тақдирланди. Бунинг учун қувонмай бўладимми?!

Гоҳо хаёлимдан ўтказаман: «Қанийди заводга бориб яна ишласам, ўзгача шижоату ғайрат билан тер тўкиб меҳнат қилсам!». Зеро у ердаги аҳил жамоа тўхтаб тургани йўқ. Яратувчилик ишлари олиб борилаётир. Улкан юк самолётларининг қанотлари йиғиладиган мен ишлаган цехда янгилик ва ташаббуслар билан чиқаётганлар кўп. Тез-тез корхонамга бориб шогирдларимга йўл-йўриқлар бериб тураман, уларнинг иш режалари билан қизиқаман. Ўйда эса рафиқам Ферузахон, уч фарзандим, набиралар қуршовида осуда ҳаёт кечираяпман. Бугунги ёшларимиздан биргина ўтинчим бор. Уларга «Сиз ёниб ишланг, ўз меҳнатингиз туфайли Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганингиздан фахрланинг!» дегим келади.

Эркин АЛИМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Маърифат соати

Асримиз — Ўзбекистон асри бўлсин

Эртага мамлакатимиз олий таълим даргоҳларини муваффақиятли тамомлаб чиқаётган 1800 дан зиёд илк магистрларга магистрлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилади.

ШУ КУНЛАРДА мустақил Ватанимиз таълим тизими ҳаётида бири-биридан ҳаяжонли воқеалар юз бермоқда.

16 июн куни матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига» табриги эълон қилинди. Унда давлатимиз раҳбари она Ўзбекистонимизда истиқлол дунёга келтирган замонавий билим даргоҳларининг илк қалдирғочлари бўлган ёшларни ўқишни муваффақиятли тамомлаётганликлари муносабати билан оталарча самимий муборакбод этдилар.

Шундан кейин, 30 июнда республикадаги янги таълим муассасалари — академий лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 35 тасини илк бор тамомлаб чиқаётган 5 минг нафарга яқин ёшларга дипломлар топширишга бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди. Эртага, 6 июл куни эса Ўзбекистон Республикаси олий таълим даргоҳларининг магистратура босқичини илк бор битириб чиқаётган ёшларга худди шундай тантаналар оғушида дипломлар ва кўкрак нишонлари топширилади. Худди шу куни республикамиздаги 25 та олий ўқув юртларини тамомлаб чиқаётган 1800 дан зиёд биринчи магистрлар ҳаётга йўлланма оладилар.

Бундай тадбирлар, сўзнинг чинакам маъносида, ўзининг озод, обод ва буюк келажаги сари дадил одимлаётган юртимиз ҳаётидаги тарихий воқеалардир, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон истиқлолга эришган кундан бошлаб таълим-тарбияни тубдан янгилаш — янгича тараққиётимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Бунинг сабаби барчамизга маълум — фарзандлари баркамол юртнинг келажаги ҳам порлоқ бўлади. Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши ҳам, авлавлмбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб етишиши ҳам, таълимнинг сифатига, унинг даражасига боғлиқ эканлигини бугун барча яхши тушунади.

Шу мақсадда Президентимиз мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб катта ташаббуслар билан майдонга чиқди. Худди шу мақсадга қаратилган даврининг улуғвор ҳужжати — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Ва ҳаётга жорий этилди. Бу дастур асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар «ўзбек таълими модели» сифатида бутун дунёда тан олинди. Бу соҳадаги ишларимизга узоқ ва яқин мамлакатларда катта ҳавас ва орзу-интилишлар билан қарамоқдалар.

Мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга давлат бюджетидан беқиёс катта маблағлар ажратилмоқда. Аниқроқ қилиб айтсак, ялпи миллий даромадимизнинг 10-12 фоизи шу мақсад учун сарфланмоқда. Бу чиндан ҳам улкан миқдордаги, эзгу ниятларга қаратилган сарф-харажатдир. Ҳатто Японияда ривожланган давлатда ҳам, маълумотларга қараганда, таълим соҳасига ялпи миллий даромаднинг 7 фоиз миқдорида маблағ ажратилар экан. Буларнинг ҳаммаси битта нарса учун — Ўзбекистон халқи жисмоний ва маънавий баркамол авлодларга эга бўлиши учун, келажагимиз пойдевори мустаҳкам бўлиши учун, ёшларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта, бахтли бўлиши учун қилинмоқда.

Мана шундай саъй-ҳаракатлар бугунга келиб ўзининг меваларини бермоқда. Тамомила янги негизда ташкил топган ўрта махсус таълим илк кадрларини ҳаётга йўллаяпти. Олий таълим муассасалари илк магистрларига оқ фотиҳа бермоқда. Булар — ҳақиқатдан қувонарли воқеадир. Ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур замонавий билимли, янги дунёқарашли кадрлар авлоди — жамият тараққиётининг ноёб бойлигидир.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг 38 та таълим муассасаларида магистратура фаолият кўрсатаётир. Жорий йилда эса 45 та олий ўқув юртларида магистрлар қабули режалаштирилаяпти. Демак, янги таълим тобора фаоллашмоқда, ҳаётдаги илдизлари теранлашмоқда. Шуниси қувонарлики, бугунги магистрлар дарҳақиқат ўз малакаси билан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг айримлари бажарган магистрлик диссертациялари диққатга сазовор илмий-амалий янгиликлар, кашфиётлар билан якунланди. Энг салоҳиятли магистрлар ўзларининг дастлабки ютуқлари учун патентлар, муаллифлик гувоҳномаларини олишга муваффақ бўлмоқдалар. Бу воқеаларни ғурурланмасдан айтиб бўлмайди.

Шу билан бирга, бугунги магистрлар ҳозирги педагогиканинг илғор намояндалари бўлишга қодир бир кучга эга. Шу боисдан битириб чиқаётган илк магистрларга ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимидан, олий таълим даргоҳларидан кўплаб буюртмалар тушаяпти. Ёш магистрларга ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, илмий муассасалардан ҳам таклифлар кўп.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан магистратурани битирувчилар учун магистр дипломи ва «Магистр» кўкрак нишонлари тайёрлаб қўйилди. Эрта-индин бу нишонлар илк магистрларнинг кўкракларини безайди.

Президентимиз табригидаги ажойиб истаклар тили билан айтадиган бўлсак, **«олган билим ва тажрибангиз, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар бобидаги камолингиз фақат яхшиликка, бунёдкорликка буюрсин, аввало, ўзингизга, бутун эл юртимизга бахту саодат келтирсин».**

Сизлар туфайли XXI асримиз , чиндан ҳам, баркамол авлод асри бўлсин, бошланган асримиз — Ўзбекистон асри бўлсин!

Михли САФАРОВ.

Олий Мажлисда

Маҳалла концепцияси муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни қўмита раиси Акмал Саидов бошқарди. Йиғилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар якунлари муҳокама қилинди.

Маълумки, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг 2 ярим йиллик ваколат муддатлари тугаши муносабати билан мамлакатимизда шу йилнинг майиюн ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтди.

Мажлисда сайловга пухта ва самарали тайёргарлик кўрилгани, шу боис бу галги сайловлар эркинлик ва демократия шароитида, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори даражада бўлиб ўтгани алоҳида таъкидланди. Сайлов давомида 7845 нафар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ҳамда 75 мингдан зиёд уларнинг маслаҳатчилари сайланди.

Қўмита аъзолари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар жараёнида мазкур органлар фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан тушган таклифларни умумлаштириш ва сайлов якунларига доир ахборотни Олий Мажлис Кенгашига тақдим этиш масъулияти қўмита раиси Акмал Саидов зиммасига юклатилди.

Шундан сўнг навбатдаги масала — «XXI аср маҳалласи» концепцияси лойиҳаси муҳокама қилинди. Маълумки, янги қонунлар қабул қилингач, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўплаб ваколатларга эга бўлди. Мазкур Концепция лойиҳаси ана шу ваколатларни амалга оширишнинг самарали ва таъсирчан механизмини шакллантириш учун тайёрланган. Концепция қоидалари жаҳонда умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Бутунжаҳон Хартияси ва Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартияси талабларидан келиб чиқади.

Депутатлар бугунги фуқаролик жамиятини босқичма-босқич барпо этиш жараёнида йил давомида кенг жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқилиб, қўмитада маромига етказилган ва иккинчи марта депутатлар муҳокамасига тавсия этилаётган «XXI аср маҳалласи» концепциясининг келгусида қабул қилиниши ва амалда татбиқ этилиши маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кенгайтириш йўлида, демакки, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш сари қўйилган муҳим ва салмоқли қадам бўлажагини таъкидладилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Оналик ва болалик

давлат сиёсатининг устувор йўналиши

Она ва бола муаммоси жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳодиса. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу масалага жиддий эътибор қаратиляпти. Эндиликда оналар ва болаларга муносабат бир оиладаги маънавий-ахлоқий мезон доирасидан чиқиб, умуммиллий, умумдавлат аҳамиятига эга бўлди. Ана шу маънода она ва боланинг давлат ва халқ манфаатини, озод Ватан, эркин шахс, миллий истиқлол истиқболини ўзида мужассамлаштирган қадриятга айланаётганини англаш мумкин.

Олий Мажлисда бўлиб ўтган «Оналик ва болалик — давлат сиёсатининг устувор йўналиши» мавзуидаги илмий-амалий анжуманда шулар ҳақида сўз борди. Уни Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ҳамда Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда ташкил этди.

Илмий-амалий анжуманни мазкур қўмита раиси Нарзулла Жўраев олиб борди.

Анжуманда кун тартибига оид 13 та маъруза тингланди. Дастлаб Олий Мажлис Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг раиси Машкура Сафаева «Ижтимоий муҳофазанинг қонуний асослари» мавзуида чиқиш қилди.

Маърузачилар ва сўзга чиққанлар тарбия муаммолари, жамиятда аёлнинг ўрни, она ва бола муносабатининг шаклланиши, маърифий-ахлоқий ва бошқа қўплаб масалаларга жиддий эътибор қаратишди.

2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинишидан мақсад фақатгина она ва бола манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишгагина қаратилган эмаслиги алоҳида таъкидланди. «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш» давлат дастурига асосан узоқ қишлоқларда яшовчи аёллар ва болаларга уларнинг яшаш жойининг ўзида тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиляпти. Амалга оширилаётган бундай ишлар натижасида оналар ва болалар ўлими сезиларли даражада камайиб бораяпти.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, мамлакатда ижтимоий соҳа ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси учун ажратилаётган маблағ миқдори йилдан йилга кўпайтириб борилаяпти. Масалан, ўтган йилги ижтимоий харажатлар 413,7 миллиард сўмни ташкил этган эди. 2001 йилда эса бу мақсадда 584,7 миллиард сўм ажратилди.

Анжуманда оналик ва болалик масалалари юзасидан фойдали фикрлар алмашилди, мавжуд муаммолар ечими хусусида таклифлар билдирилди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) президенти Хуан Антонио Самаранчнинг ваколат муддати тугади. Олимпия ҳаракатидаги янги даврнинг бошланиши бу инсон номи билан боғликдир. Кейинги 20 йил давомида унинг раҳбарлигида Халқаро Олимпия Қўмитаси фаолиятида кўп нарса ўзгарди. Хусусан узоқ муддатли иқтисодий стратегия ишлаб чиқилди. Бусиз Олимпиада ўйинларининг универсаллигига эришиб бўлмас эди.

Хуан Антонио Самаранч хайрлашмоқда

Хуан Антонио Самаранч ҳар доим Олимпиада ҳаракати давлат ва давлатлараро ташкилотлар билан яхши муносабатларда бўлиши зарур, деган фикрни ёқлаб келди.

Кейинги йилларда ХОҚ ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик юзага келди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ва ХОҚ президенти Хуан Антонио Самаранчнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Марказий Осиё ўйинлари ўтказила бошланди. Ушбу ҳудудий мусобақалар минтақавий ва жаҳон ўйинларининг мантиқий давомига айланди ва халқлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олимпиада ҳаракатини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун камдан-кам сиёсатчилар ва давлат арбоблари сазовор бўлган ХОҚнинг Олтин медали билан мукофотланди.

Хуан Антонио Самаранч республикамизга бир неча марта ташриф буюрган. У Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни юксак баҳолади. Самаранч президентлар ва миллий олимпия қўмиталари бош котибларига йўллаган номасида қуйидагиларни таъкидлайди:

— Ишончимиз комилки, мамлакатлар ҳукуматлари миллий ва халқаро спорт ташкилотларининг мустақиллигини ҳурмат қилади, шунингдек, спортни қонуний ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Биз бундай муносабатни олқишлаймиз. Сўзимнинг якунида яқин ҳамкорлик учун барчангизга самимий миннатдорлик билдиришга, миллий спорт ҳаракатига энг яхши тилакларни изҳор этишга ва "Қўришгунча" дейишга рухсат этгайсиз.

(ЎзА).

Қарор ва ижро

Оролбўйиликлар Фарғона оромгоҳларида

Табиий қийинчиликлар, сув танқислигидан зарар кўрган Оролбўйи ҳамда Хоразм воҳасининг бир гуруҳ мактаб ўқувчилари, халқ таълими ходимлари Фарғона вилоятининг энг сўлим, энг хушманзара оромгоҳларида дам олишяпти.

Марғилон шаҳридаги темир йўл шохбекатида биринчи гуруҳда ҳордиқ чиқарган 700 дан зиёд ўқувчилар, тарбиячилар кузатиб қўйилиб, иккинчи гуруҳ кутиб олинди.

— Оролбўйи минтақасида рўй берган сувсизлик, тиғиз экологик вазиятдан хабардормиз, — дейди вилоят касаба уюшмалари бошқаруви раиси ўринбосари Шерали Содиқов. — Шуни эътиборга олиб 30 га яқин болалар оромгоҳларининг энг хушманзара, табиий гўзал гўшаларда жойлашган масканлар азиз меҳмонларга ажратилди. Вазиятни ҳисобга олиб қўшимча равишда яна бешта болалар дам олиш масканларини ташкил этдик.

Қорақалпоғистоннинг турли туманлари, шаҳарларидан ташриф буюрган меҳмонларнинг дастлабки гуруҳи Фарғона туманининг тоғолди Хонқиз қишлоғидаги «Тонг», Қўқон шаҳридаги «Коинот», Қувасой шаҳридаги «Ниҳол», «Ҳумо», Марғилондаги «Ипакчи» оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Иккинчи гуруҳда ташриф буюрган болалар ҳам юртдошларига қадрдон бўлиб қолган жойларда саломатликларини тиклашяпти.

— Дилбар водийда бўлиш бир умрлик орзуим эди, — дейди тахтакўприклик 5-синф ўқувчиси Гулмира Боймуротова. — Президентимиз шарофати билан шу ниятимга етдим. Таассуротларим бир олам.

Зумрад Султонова эса Нукус шаҳридан экан. Аълочи қизнинг мириқиб дам олганлиги шундоқ юз-кўзларидан билиниб турарди:

— Менда улуғ боболаримиз Аҳмад ал-Фарғоний шарафига Фарғона ва Қувада, Бурҳониддин ал-Марғиноний хотирасига Марғилон шаҳрида бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари катта таассурот қолдирди.

Биз буларни телевизорда кўргандик. Шундай табаррук маскан билан ҳар бир ўзбекистонлик фахрланса арзийди.

— «Ҳумо» оромгоҳи тарбиячи, музикачи, ошпазлари Вера Аэлитова, Диляра Сеитмаметова, Нигора Халиловалар бизларга туғишганлардай қадрдон бўлиб қолди, — дейди қўнғиротлик Анвар Жалдиев. — Биз мезбон дўстларимизга қорақалпоқ ўланлари айтишувларини ўргатдик, юртимизга эса фарғонача ашулаларни маромида айтадиган бўлиб қайтяпмиз.

Фарғона вилоятидаги бирқанча болалар оромгоҳларида бўлсангиз ўзбекча, қорақалпоқча, гаплашаётган, ғурунглашаётган болаларни учратасиз. Бу манзара кузгача давом этади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ФАН ТАРАҚҚИЁТИ — ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

Фан ва техника давлат қўмитасида истиқлолнинг 10 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон мустақиллиги — унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати" мавзуида аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг бешинчи республика илмий анжумани очилди. Тадбир Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фан ва техника давлат қўмитаси раиси, академик П.Ҳабибуллаев анжуманни очар экан, мустақиллик йилларида мамлакатимиз илм-фани янги, юксак босқичга кўтарилгани, бу жараёнда ёш олимларнинг илмий фаолияти муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Икки кун давомида бешта секцияда ўтадиган мазкур тадбирда йигирма тўртта фан соҳасининг 555 мутахассислиги бўйича 200 га яқин аспирант, докторант ва тадқиқотчининг ўз илмий ишлари мазмун-моҳияти ва натижалари ҳақидаги маърузалари тингланади, таҳлил этилади.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Навоий вилояти

Илдизлари теран дарахт



Республика харитасида Навоий шаҳрининг пайдо бўлганига қирқ йилдан ошди. Шаҳар қисқа муддат ичида мамлакатимизнинг энг гўзал масканларидан бирига айланди. Шаҳарни барпо этишда турли миллат ва элат вакиллари иштирок этдилар. Бугун шаҳарга биринчи ғишт қўйган кишиларнинг кўпчилиги кексалик гаштини суришаяпти. Айримлари орамизда йўқ. Аммо навоийликлар ҳанузгача биринчи қурувчилар номларини ифтихор билан тилга олишади.

Бугун Навоий шаҳрида Зарап Зарапетян, Василий Булат, Баҳром Равшанов, Узоир Абдурахмонов номлари билан аталадиган кўчалар бор. Навоий шаҳрининг биринчи қурувчиларидан бўлган бу инсонларни Қизилқум минтақасида яхши билишади. Улар ўз ҳаётларини Навоий, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарларида йирик саноат корхоналарини барпо этишга бағишладилар. Айтиш керакки, уларнинг номлари истиқлол туфайли абадийлаштирилди. Мустақиллик шарофати билан вилоятимизда миллий-маданий марказлар ташкил этилди ва ҳуқуқий мақомга эга бўлди.

Бугун вилоятимиз ҳудудида 90 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади. Айни пайтда вилоятда рус, қозоқ, қорақалпоқ, татар, корейс миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Миллий-маданий марказлар ўз халқининг қадриятларини тиклаш ҳамда миллий анъаналарини давом эттириш борасида хайрли ишларни амалга ошираяптилар. Масалан қозоқ миллий-маданий маркази раҳнамолигида вилоятимиздаги мактабларда улуғ шоир ва ёзувчилар Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллик, Собит Муқанов таваллудининг 100 йиллик юбилейлари катта тантана билан нишонланди.

Рус миллий-маданий маркази ташаббуси билан вилоятимизда пушкинхонлик, есенинхонлик кунларини ўтказиш анъана тусига кириб бораяпти. Бу тадбирларни ўтказишда Леонид Венштейн, Наталья Панова каби ёзувчиларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

Шуни таъкидлаш жоизки, вилоят мактабларида таълим олтита тилда олиб борилади. Истиқлол туфайли вилоятимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўз она тилларида газеталар ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Учқудуқ туманида қозоқ ва рус тилида, Томди туманида қозоқ тилида, Конимех туманида қозоқ ва қорақалпоқ, Нурота туманида ўзбек ва тожик тилларида газеталар чоп этилмоқда. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда миллий тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ғоят катта эътибор бериб келяпти. Шу боисдан Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакиллари Ватан истиқболига ўзларини дахлдор билмоқда. Учқудуқлик экскаваторчи Анатолий Панин фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига муносиб кўрилди. Зарафшон қурилиш бошқармаси бошлиғи Николай Дъяков Республикада хизмат кўрсатган қурувчи фахрий унвонига сазовор бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айни пайтда вилоятимизда ўзбеклардан ташқари 80 мингдан ортиқ қозоқ, 50 мингга яқин рус, 20 минг атрофида қорақалпоқ, 14 мингга яқин татар, 12 минг нафар тожик миллати вакиллари истиқомат қилишади.

Бугун вилоят ҳудудида қад ростлаган «Навоийазот», «Электрокимё», «Қизилқумцемент», Навоий ГРЭСи, Қизилқум фосфорит комбинатлари каби корхоналар нафақат ишлаб чиқариш гигантлари, балки миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тобланаётган, ўзини яратувчилик қудратини кўрсатаётган масканлар ҳамдир.

Вилоятимизда кончилик ва металлургия саноати мактаби яратилган. Бу соҳанинг кўплаб вакиллари «Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати бўлинмаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. 2001 йилнинг 12 апрелида мамлакатимиз раҳбари «Кон-металлургия саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди. Ушбу фармонга мувофиқ Навоий давлат кончилик институти «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни таркибига ўтказилди. Бу корхонанинг салоҳияти эса бутун мамлакатга маълум ва машҳур.

Навоий давлат кончилиик институтининг концерн ихтиёрига ўтказилиши ўқув даргоҳининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, кадрлар тайёрлаш имкониятларига кенг йўл очиши, шубҳасиз.

Президентимиз: «Навоий вилояти деганда аввало кўз олдимизга буюк шоиримиз Алишер Навоий номини шарафлаб келаётган кўнгли очиқ, заҳматкаш, саховатли инсонлар, бунёдкорлик билан банд бўлган кўпмиллатли халқни ўзимча тасаввур қиламан», — деган эдилар.

Дарҳақиқат, биродарлик, аҳиллик халқни бирлаштиради. Ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сурган юртда эса, албатта, фаровонлик, юксалиш бўлади.

Дўстмурод ХОЛИҚУЛОВ,
Навоий вилояти ҳокими ўринбосари.

ДЎСТЛИК МАСКАНИ

Абадий қон-қардошлик

Ўзбекистонда барча миллатлар тенг ҳуқуқли эканлиги, уларни буюк дўстлик ришталари мустаҳкам боғлаб турганлиги қозоқ миллати вакиллари ҳаёти, турмуш тарзида ҳам ўз аксини топган. Бу Президентимиз амалга ошириб келаётган оқилона миллий сиёсатнинг шарофатидир.

Мана бир неча йилдирки, вилоятимиз марказида қозоқ миллий-маданий маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказ миллий урф-одатлар, анъаналарни ривожлантириш, миллатлараро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мустақиллик ғояларини тарғиб қилишда барча имкониятлардан фойдаланиб келяпти.

Вилоятимизнинг бепоён чўл ҳудудида неча асрлардан буён қозоқлар чорвачилик билан шуғулланиб келишади. Улар ҳамиша ўзбекни «биродарим, ўз оғам» деб билишган. Қиз бериб, қиз олишлик бу икки халқни яқин қон-қардошга айлантирган. Қозоқлар Абай, Ибрай Олтинсарин, Мухтор Авезов сингари мутафаккир шоир ва ёзувчилари билан қанчалик фахрланишса, Навоий, Бобур, Огаҳий, Абдулла Қодирий сингари ўзбек миллий маданиятининг буюк даҳоларини ўз миллатининг вакилидай эъзозлашади. Қозоқ ва ўзбек халқ оғзаки ижоди бир-бирига ҳамоҳангдир. Алдаркўса ва Насриддин Афанди доим бирга яшаб келишади, ҳатто қайси бири қозоқнинг, қайси бири ўзбекнинг миллий қаҳрамони эканлиги аҳратиб ўтирилмайди. Бу неча асрлардан буён халқларимизнинг ёнма-ён, бир тан, бир жон бўлиб яшаб келаётганлигидандир. Бундан буён ҳам бу дўстлик равнақ топаверади, миллий анъаналаримиз бир-биридан озиқ олиб ривожланаверади, деб умид қиламан.

Пўлат БОЙИМБЕТОВ,
қозоқ миллий-маданий маркази раҳбари.

Мен учун муқаддас

Ватан-муқаддас тушунча. Ватанинг тинч, осойишта бўлса, бахтинг-иқболинг шудир. Кун сайин янгиланиб, ўзгараётган Ўзбекистонимизда яшаётган ҳар бир киши қайси миллатга мансублигидан қатъи назар ўзини бахтиёр санаса арзийди.

Мен татар миллатининг вакилиман. Қозон шаҳрида таваллуд топиб, Ўзбекистон тупроғида вояга етдим. Ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида мактабда ўқитувчилик қилдим, ёш авлодга ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ бердим. Узоқ йиллардан буён пенсиядаман, кексалик гаштини сурмоқдаман.

Турмуш ўртоғим Рафкат Файзуллин билан биргаликда уч ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказдик. Уларнинг барчаси ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топишди. Тўнғич ўғлим Илгиз олий маълумотли, ҳокимлик тизимида ишлайди. Ислом қишлоқ хўжалигининг механизациялаш бошқармасида таъминотчи, Илёс тадбиркор. Қизим Нурия фармацевтика институтини тугатиб, дорихонада меҳнат қилмоқда. Фарзандлар, неваралар бир ерга жам бўлишса, уйим меҳр нурига тўлиб, яна ҳам чароғон бўлиб кетади. Ўзимни энг бахтиёр инсон деб ҳисоблайман.

«...Юртимизда қарор топган миллатлараро тотувлик ва барқарорликнии сақлаш, уни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир», — деган эди Президентимиз. Биз ҳақиқатан ҳам иноқ яшаймиз, тотувмиз, ҳеч ким бир-бирининг миллатини суриштирмайди, аксинча ҳамма ўзини Ўзбекистон фарзанди, озод, тенг ҳуқуқли фуқаро деб билади. Шунинг учун юртимизда осойишталик барқарор, шу туфайли улуғ бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мустақил Ўзбекистонда юз бераётган қутлуғ ўзгаришларда, барча соҳаларда кечаётган жадал тараққиётда менинг фарзандларим, татар миллати вакиллари, мен таълим берган собиқ ўқувчиларимнинг ҳиссалари бор. Нега мен бундан фахрланмас эканман? Нега Ўзбекистон менга муқаддас Ватан бўлмас экан?

Таскира СИНГАТУЛЛИНА
Кармана тумани, фахрий ўқитувчи.

Ифтихор ҳисси

Навоий шаҳри мен учун жуда қадрдон бўлиб қолган. Чунки мен кўп жойларда бўлдим. Кўп одамлар билан бирга яшадим. Аммо қирқ йилдан ортиқ вақт ўтибдики, шу азиз тупроққа қаттиқ боғланиб қолдим.

Асли Тожикистонда таваллуд топганман, Исфара, Конибодом туманлари, Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида яшадим. Навқирон йигит чоғимда эндигина шаҳар номини олиб, кун сайин кенгайиб, чирой очиб бораётган Навоий шаҳрига келдим. Бу ерда қурилиш бошқармасида ишладим.

Меҳнат фаолиятим давомида турли миллат вакилларидан жуда кўп дўстлар орттирдим. Ўзбекистон мен учун муқаддас она Ватан бўлиб қолди. Пенсияга чиққанимдан кейин ҳам қадрдон жамоамни ташлаб кетолмадим. Ҳамон меҳнат қучоғидаман. Йигирма йилдирки, ҳамшаҳарларимнинг ҳалол, фидокорона меҳнатлари ҳақидаги хабар ва лавҳаларим билан маҳаллий матбуотда қатнашиб келаман. Донгдор қурувчилар, ўз касбининг усталари бўлган монтажчилар, ижтимоий-маънавий ҳаётимизнинг фидойилари ҳақида ҳамиша завқшавқ билан ёзаман. Мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик, аҳил ва иноқлик менга чексиз илҳом бағишлайди.

Бу Ватанда яшаётган ҳар бир киши миллатидан қатъи назар ўзини бахтиёр санаса арзийди. Мен ҳам ўзимни ана шундай бахтиёр инсонлардан бириман, деб баралла айта оламан.

Мустақил Ватанимиз 10 ёшга тўлмоқда. Ўтган қисқа давр ичида мамлакатимизда юз берган буюк ўзгаришлар чиндан ҳам қалбимизда фахр-ифтихор ҳисларини қўзғатади. Чунки Ҳамдўстлик мамлакатларининг бирортасидан кам жойимиз йўқ. Бу ерда яшаётган барча миллат вакиллари қўлни қўлга бериб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, мамлакатимизнинг жаннатмакон юртга айланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шундай экан, Ўзбекистон, албатта, келажаги буюк, қудратли давлат бўлади.

Ҳ.САНГИНОВ,
меҳнат фахрийси.

А.ОЧИЛДИЕВ ва И.ХУДОЁРОВ тайёрлади

«ЖЕЙНОВ» ЖОЗИБАСИ

Илғорликнинг бош омили – руҳий кўтаринкилик

Қашқадарёда ўтган йили сувнинг ҳар томчиси гавҳар билан тенг бўлди. Экиннинг қони ҳисобланмиш оби-ҳаёт жорий йилда ҳам эҳтиёжга нисбатан анча кам. Шундай бўлса-да, Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари кейинги йилларда барча соҳаларда барқарор кўрсаткичларга эришиб келмоқдалар.

Хўш, «Жейнов»да табиат ўзгача келадими? Ён-атрофдаги туман ва хўжаликлар йил якунида табиий қийинчиликлар ҳақидаги маълумотномаларга ҳавола қилишса, биз сўз юритаётган хўжаликда сентябрнинг якуни билан ғалаба хабарномасига имзо чекишяпти. Эҳтимол, бу хўжалик сувнинг бошида жойлашгандир? Йўқ, жами 4000 гектар ерда деҳқончилик қилинса, 1000 гектар ерга бериладиган сув насослар орқали чиқарилади, айрим далалар ҳатто сув бошидан 19-20 километр нарида жойлашган.

У холда муттасил юқори натижанинг сири нимада? Бу саволга бир сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Хўжалик деҳқонлари ишгир, йил бўйи фидокорлик билан меҳнат қилишади. Агар «жейнов»ликлар эришаётган ютуқлар омили ҳақида сўз юритиладиган бўлса, аввало, одамларнинг кайфиятини ҳисобга олиш керак. Ҳа, кимнинг кўнгли тўқ бўлса, меҳрини ишга беради. «Жейнов» хўжалигининг ҳисоб рақамида ҳозирги кунда 100 миллион сўм сармоя бор. Унинг 50 миллион сўми Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг депозит жамғармасида турибди. Шунча пулнинг 10 миллион сўми учинчи йил, 40 миллиони иккинчи йил 18 фоизлик барака келтирмоқда. Хўжалик аъзолари учун ҳар ойлик иш ҳақини пешма-пеш олиш оддий воқеага айланган. Фақат бугина эмас, деҳқонлар ўз меҳнат натижаларига қараб, ҳар килоси 410 сўмдан пахта ёғи олишмоқда (бу нарх ҳар қандай дўкондагидан 200-240 сўм арзонлигини тушунтириш шарт бўлмаса керак).



Ҳисоб-китоб билан ишлаш изланишга ундамоқда

Мана, тўртинчи йилдирки, бу ерда ижара пудрати яхши самара бермоқда. Ҳар қарич ернинг ўз эгаси бор. Худди шунингдек, сувнинг ҳар литри ҳам қатъий ҳисоб-китоб қилинмоқда. Одамлар қандай қилиб кўпроқ ўғит, сув олиш ҳақида эмас, балки ўша неъматларни тежаб ишлатиш ҳақида ўйламоқдалар.

Энди деҳқон маҳорати ҳақида гаплашсак. Экин сув билан тирик эканлигини деҳқон бўлмаган одам ҳам билади. Лекин «жейнов»ликларнинг бошқалардан фарқи шундаки, улар нима иш қилишса, ҳисоблашга тушишади.

— Агар агротехника бўйича икки суғориш оралиғи 15 кун бўлса, — дейди 2-ширкат хўжалиги раиси Азизбой Қўзиев, — ғўзанинг бўғзидаги табиий намни маҳаллий ўғит, компост ва шарбат бериш орқали сақлаш ҳисобига бу муддатни 25 кунга чўзамиз. Шунинг ўзида анчамунча сув тежалади.

— Ўқариқдаги сувни тараш олдидан биз ҳар эгат бошига плёнка ёки юпқа қоғоз тўшаб чиқамиз, — дейди ижарачи Акром Фидоев. — Шундай қилмасак, сув уриб кетиши мумкин. Агар сувчи ўз ишининг кўзини билса, сув эгатга ўтаётганини ҳалиги плёнка ҳам «сезмай» қолиши керак. Оби-ҳаётни тежашнинг яна бир омили — сувчилар сонини кўпайтириш. Ахир катта даладаги сув ҳаракатини бир-иккита одам кузатолмай қолиши мумкин.

Тажриба таҳлил таққос

Ўқариқларни калта олиш миришкор деҳқонларнинг яна бир маҳоратидан нишона. Экин майдонининг нишаблик даражаси, ғўза ривожининг ҳолатига қараб, ўқариқлар оралиғи 50, 60, 70 метрни ташкил этмоқда. Масалан, 50 метр узунликдаги эгат охирига сув 3-4 соатда етиб боради. Агар бу масофа 100 метр бўлса, сув йўли 10 соатгача чўзилиши мумкин. Кейинги шароитда сув эгатнинг охирига боргунча бош қисми захлаб кетади. Оқибатда турли миқдорда сув ичган ғўза турлича ривожланади. Калта ўқариқда сув сарфи камаяди, бу ҳозирги шароитда айни муддао.

Сувнинг ҳам ўлчови бор

Деҳқондан деҳқонча, омади гапни оласиз. «Сув турлича таъминланган даланинг ахволини қандай биласиз?» деб берган саволимизга ижарачи Муҳаммади Оймаҳмедов шундай жавоб қилди:

— Агар дала ўта захлаб кетса (биз буни сув чайнаб қўйди деймиз), ғўза сарғайиб қолади. Борди-ю, экин сувга тўймай қолса, пайкалдаги ғўзаларнинг тепасига оқ гул чиқиб кетади, қониб ичган ўсимлик кўм-кўк тусда яшнаб туради.

Қашқадарёда бу йил оддий деҳқонларнинг ўзаро сўзлашувида «сув ўлчаш» деган янги ибора, янги тушунча пайдо бўлди. Ҳар бир ижарачи даласига борадиган ариқ бошида сув қанча меъёрда бораётганлиги ёзиб қўйилган. Бетон ариқ четида 40, 50, 60 рақамларини ўқишингиз мумкин. Бу рақамлар секундига қанча литр сув оқаётганлигини билдиради. Сув сарфини ҳисоблашнинг бундан ҳам мукаммал усули «Жейнов»да жорий этилган. Ҳар бир ижарачи сув олиниши ҳақида алоҳида дафтар тутган бўлиб, унда тегишли бандларга сув билан таъминловчи (кичик ширкат раиси) ва сувни қабул қилувчи (ижарачи)ларнинг имзоси қўйилади. Бу дафтар юридик ҳужжат саналиб, унга назар ташлаган одам ғўзанинг ривожи ҳақида аниқ маълумотга эга бўлади.

Даланинг текислиги рисоладагидек бўлса, нафақат суғоришда, балки йиғим-терим пайтида ҳам қулай бўлади. Ҳисоб-китобга уста «жейнов»ликлар машина терими афзаллигига амалда ишонч ҳосил қилишган. Терим агрегати орқали ҳосилни саранжомласак, харажат 15-20 баравар тежалади, вақтдан ютганимизни эса ҳеч нарса билан ҳисоблаб бўлмайди, дейишмоқда улар.

Янгича фикрлаш, янгича меҳнат қилиш – давр талаби

«Харажатни камайтириш» деган сўзнинг асл моҳиятини хўжаликда яхши билишади. Агар тежамкорлик режими жорий этилмаганда, хўжалик ҳисоб рақамида мўмай сармоя турмаганида, «Жейнов» қўрғони бугунгидек кўркам қиёфа касб этармиди?! Дарҳақиқат, кейинги ўн йил ичида бу ерда 560 ўринли маданият саройи, 6 та мактаб биноси, икки қаватли савдо маркази, ҳаммом, маиший хизмат уйи, уруш қурбонларига ўрнатилган ёдгорлик мажмуи, 113 оилага мўлжалланган уй, Халқ банки биноси, бир нечта болалар боғчаси, икки қаватли замонавий касалхона, деҳқон бозори, сутни қайта ишлаш кичик корхонаси каби бунёдкорлик масканлари ҳамманинг кўз ўнгида қад ростлади. Одамлар бу каби яратувчилик меҳнатини, халқни янги марраларга бошлаш ишини ўн олти йилдан буён хўжаликни бошқариб келаётган Муродилла Саидовнинг номи билан боғлашяпти. Ҳа, бу гапларда заррача муболаға йўқ. Муродилла ака жамоада ишчанлик муҳитини яратди. Унинг ташкилотчилик қобилияти туфайли «Жейнов» ширкат хўжалиги истиқболнинг ойдин йўлига чиқиб олди.

Қашқадарёда, умуман, она-юртимизда шундай ўктам одамлар, катта карвон хўжаликлар қанча кўпайса, мустақиллигимиз шунча мустаҳкамланади. Уларнинг илғор тажрибаси бошқаларнинг мулкига айланмоғи зарур.

Ш. ЖАББОРОВ,
Н. РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари.

ЭЛ РИЗҚИГА ҚЎЛ ЧЎЗМАНГ

Галлакор-деҳқон ерга умид билан уруғ сочади. Қорнинг изғирини, ёмғирли кўкламда ниҳоллар парваришига бутун қалб қўрини бағишлайди. Негаки элу халқнинг ризқу насибаси айнан ана шу заминдан ундириладиган ҳосил салмоғига боғлиқ.

Бу йил Сирдарё ғаллазорларида ҳосил аввалгига қараганда баракали бўлди. Бугуннинг энг долзарб масаласи ана шу етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нестнобуд қилмасдан давлат қабул манзилларига етказиб беришдан иборатдир.

Афсуски, шоли курмаксиз бўлмаганидек, бу соҳада ҳам айрим қўли нопок, нафси ҳақалак отган шахслар енг ичида ишлар қилаётганлиги маълум бўлиб қолди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан вилоят прокуратураси ва унинг туманлардаги идоралари томонидан ерга уруғ қадалгандан то бугунги кунгача далаларда олиб борилаётган меҳнат жараёни изчил назорат остига олинди. Бундан кутилган мақсад битта: барча ҳосил эл-халқнинг фаровонлигига, унинг тўқ ва бадавлат яшашига хизмат қилсин! Вилоятдаги юзлаб оилавий пудратчилар ва фермер хўжаликлари режаларни бажариб, ундан ортиб қолган ҳосилни ўз омборларига тўкишмоқда. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Негаки, деҳқоннинг янада самарали меҳнат қилиши тўғридан-тўғри унинг моддий манфаатдорлигига, рўзғорига қўшилаётган даромадга боғлиқдир.

Афсуски, айримлар катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни қинғир йўллар билан ўзлаштириш пайига тушганлиги ачинарлидир. Улар ноқонуний хатти-ҳаракат ортидан жиноят кўчасига кириб қолишини яхши билади. Аммо...

Меҳнатобод туманидаги Ғанишер Юнусов номли фермер хўжаликлари бирлашмасининг ғалла хирмони мудири лавозимида ишлаб келган Қурбонбой Холбеков ана шундай шахс бўлиб чиқди. У ўзига ишониб топширилган вазифани нонкўрларча суиистеъмол қилди. Шу йилнинг 5 июн куни Қурбонбой Холбеков «КамАЗ» русумли автомашина ҳайдовчиси Дилшодбек Солиев ва Сирдарё тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Абдулла Бобоев билан олдиндан тил бириктирган икки нафар ҳамтовоғига 7100 килограмм буғдойнинг ҳар килограммини 50 сўмдан сотиб юборди. У шу тариқа чўнтагига 355 минг сўмни солиб қўйди. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деган нақлни улар ўша лаҳзаларда унутиб қўйишганди.

«Зил» русумли машина ҳайдовчиси Файзулла Ирисалиев эса ғалла ўғирлашнинг ўзига хос усулини ўйлаб топди. У Мирзаобод туманидаги «Ғулистон» ширкат хўжалиги хирмонидан бир ҳафта ичида 650 килограмм буғдойни қабул манзилига ташиш вақтида ўмаришга муваффақ бўлади. Файзулла Мирсалиев шу йўл билан 23456 сўмлик маҳсулотни пуллаш пайида бўлди.

Ғалла-2001

Меҳнатобод тумани машина-трактор паркида ҳайдовчи-механик бўлиб ишлаган Иосиф Манголд эса Ғанишер Юнусов номли фермер хўжаликлари бирлашмаси даласидан 550 килограмм буғдойни ўзлаштириб талон-торож қилган. Ҳар учала шахс устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 1 ва 3-қисмининг турли бандлари бўйича жиноий иш қўзғатилди. Айни кунларда деҳқон нонини туя қилмоқчи бўлган бу шахслар устидан тергов ишлари олиб борилаяпти.

Шунингдек, Шароф Рашидов туманидаги Темур Малик фермер хўжаликлари бирлашмасидаги «Амирхон» фермер хўжалиги раиси А. Қувватов ҳали давлат шартномавий режасини бажармаган ҳолда умумий қиймати 27380 сўмлик 740 килограмм буғдойни яшириб қўйганлиги аниқланди.

Мавсум давомида нафақат ҳосилни ташишда, балки қабул манзилларида ҳам қатор ноқонуний ишлар содир этилаётганлиги прокуратура идоралари томонидан аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Чунончи, Ғулистон туманидаги «Деҳқонобод», Боёвут туманидаги «Ғаллакор» дон қабул қилиш манзилларида хўжалик ва фермерлар ҳақига хиёнат қилинаётганлиги аниқланди. Бу қабул манзилларида гоҳо дон намлиги ва ифлослиги ошириб кўрсатилса, гоҳо бу кўрсаткичлар камайтирилиб кўрсатилган. Натижада ҳар иккала дон қабул қилиш манзилининг лаборатория мудирлари Р. Юсупов ва Ш. Ғойибназаровларга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди. Кўрилган зарар ана шу айбдорлар томонидан тўла қопланди.

Ғалла ўриш, уни давлатга топшириш мавсуми бошланганидан буён ўтказилган текширишлар натижасида тегишли ташкилотларга 9 та тақдимнома, 25 та амрномалар киритилди. 10 нафар мансабдор шахс қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида расман огоҳлантирилди. 23 та интизомий, 5 та моддий, 14 та маъмурий, 6 та жиноий ишлар қўзғатилиб бугунги кунда ана шу ишлар ижроси юзасидан қаттиқ назорат ўрнатилган.

Вилоят прокуратураси идоралари ходимларининг саъй-ҳаракати далалардаги ялпи ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга қаратилган. Бу борада туман, хўжалик раҳбарлари ўзларига ишониб топширилган масъул вазифани сидқидилдан адо этсалар уйиладиган хирмон салмоғи янада улкан бўлади. «Ҳеч ким билмайди. Мавсум даврида чўнтагимни тўлдириб оламан» дея хомхаёлга берилувчилар қаттиқ янглишадилар. Ҳеч бир замонда элнинг насибасига кўз олайтирган, унинг луқмаи ҳалолига нопок қўлини чўзган шахсларнинг муроди ҳосил бўлмаган. Бунга жамият ва унинг қонунлари йўл бермайди. Бу оддий ҳақиқатни ҳар биримиз дилимизга тугиб олмоғимиз керак.

Т. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

12 миллион сўмлик ёрдам

БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, Ўзтелерадиокомпания ҳамда ЭКОСАН халқаро жамғармаси ҳамкорликда дипломатик корпус ва халқаро ташкилот вакиллари иштирокида Қорақалпоғистон Республикасига халқаро миссия ташкил этмоқда.

Бундан мақсад Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги мавжуд экологик муаммоларни енгиллаштириш учун инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдир. Чунончи Чехиянинг «Сандау» корхонаси ЭКОСАН поезди орқали 12 миллион сўмлик тоза ичимлик суви юборишни режалаштирган.

Ўз мухбиримиз.

Дунё матбуоти Ўзбекистон ҳақида, унинг мустақил тараққиёт йўли ҳақида ранг-баранг мақолалар бериб боряпти. Мисрда нашр этиладиган «Халқаро дипломатия» ҳафтаномасида эълон қилинган Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг «Қийин ва шукуҳли қисмат» сарлавҳали мақоласи шулар жумласидандир. Қуйида Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов мақоласи эълон қилинмоқда.

ҚИЙИН ВА ШУКУҲЛИ ҚИСМАТ

Шеърият ҳамма замонларда инсон қалбининг озодлигини куйлаган ва зулм, истибдодга қарши исъён қилган. Озод муҳаббат, озод инсон, озод ватан одамзоднинг азалий орзулари ва шеъриятнинг абадий мавзуларидир.

Тақдир тақозоси билан ҳаётимнинг ярим асрдан кўпи шўролар замонида кечди. Барча совет болалари каби Ленинни бобо, Сталинни ота деб тилим чиқди. Москвани оламнинг таянчи, СССРни бахт кошонаси, Октябрь инқилобини озодлик бешиги деб билдим.

Бу тасаввур бамисоли болаликнинг ширин туши эди. Ақлимни таниб оламга очиқ кўз билан қараганим сайин бу лаззатли ёлғон заминидаги аччиқ ҳақиқат аён бўлаверди.

Зоҳирда мен улуғ мамлакатнинг бахтли фарзанди, тенглар ичра тенг соҳиби, ҳақиқатда эса она тили йўқолишга, тарихи унутилишга, миллатининг номи ўчиб кетишга маҳкум этилган халқ вакили эканман. Етти иқлимга донғи кетган Имом Бухорий, Имом Термизийларидан юз ўгиришга мажбур қилинган, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур каби саркарда ва давлат арбоблари «босқинчи» деб, Хожа Аҳмад Яссавий, Амирий, Фазлий каби шоирлари «реакцион» деб эълон қилинган ўзбек боласи эканман.

Бу ҳақиқатни англаш нақадар ўкинчли эди. Ўкинчларим шеърга кўчиб, шеърларим тузумнинг қаҳрига учраганда кўзим янада каттароқ очилди. Кўнгил изтироблари исъёнга айланди.

Шўро замонида исёнкор шеърлар ёзиш қилич дамида юришдек хатарлик эди. Шунга қарамай кўплаб ижодкорлар тузумнинг сохталиги ва золимлигини фош қилдилар. Ташбеҳ пардаларига ўраб, матбуот нозирларининг ўткир кўзларидан яшириб, оммага етказолдилар. Бу туфайли бошларига не кўргиликлар тушишига қарамай ҳалол виждон сўзини айтдилар. Шўро адабиёти замирида улкан диссидентлик ҳаракати етилди ва бу исёнкор бадиий тафаккур қизил империянинг темир деворлари остида мафкуравий динамит бўлиб портлади.

Бу йил собиқ Совет Иттифоқи харобаларида пайдо бўлган янги давлатлар ўз мустақилликларининг ўн йиллигини нишонлайдилар. Аҳли олам учун бу оддий тарихий сана, лекин биз — ўша тузумда яшаган ва янгича ҳаёт қураётган халқлар учун у оддий сана эмас, балки қисматдир. Қийин ва шукуҳли қисматдир.

Озодлик ва мустақиллик деган манзил жуда гўзал, лекин йўллари тиканли экан. Сўнгги ўн йил ичида собиқ шўро минтақасида содир бўлган миллий ва гуруҳий низолар, қирғинлар ва қувғинлар руҳиятимизда изтиробли излар қолдирди. Ён қўшнимиз тожикларнинг кўргиликларига ўзимиз гувоҳ бўлиб, баробар қайғу чекдик. Озарийлар, арманлар, чеченлар учун жонимиз ачиди.

Аслида собиқ шўро махсус хизматларининг ёвуз режасига кўра қирғиннинг каттаси Ўзбекистонда бошланиб бугун минтақага ёйилиши керак эди. Фарғона, Ўш, Ўзган воқеалари бу фитнанинг дастлабки гулханлари эди. Дахшатли режа амалга ошмади. Ўзбекистон ҳукумати, Президенти Ислом Каримовнинг ақл ва тадбир билан кўрган чоралари туфайли жамиятимиз биродаркушликнинг тубсиз жарига қулашдан омон қолди.

Тинчлик ва барқарорлик биз учун буюк неъмат бўлди. Тарихан катта давр бўлмаган ўн йил ичида кўп ишлар қилиб улгурдик.

Аввало иқтисодда ягона давлат монополияси тугатилиб, эркин бозор муносабатлари таркиб топди; ерга, мулкка хусусий эгалик қайта тикланди; қишлоқда пахта якка ҳокимлиги барҳам топиб, табиатнинг софлиги учун кураш бошланди; ғалла ва нефт мустақиллиги таъминланди. Юртим дарвозалари дунёга кенг очилди.

Тошкентни беш-олти йил илгари кўрган одам бугун уни танимай қолиши мумкин. Пойтахтимиз йилдан йилга гўзал, ораста бўлмоқда. Уни Фарғона водийси билан боғловчи довон йўли кенг, текис қилиб қайта қурилган. Ўзбекистон жаҳон дангизларидан узоқда жойлашгани учун биз бу йўлга катта умид боғлаганмиз. Тошкент-Фарғона шоҳ йўли шарқда Хитой, Япония, ғарбда Оврупо мамлакатларини боғлаб турувчи янги «Ипак йўли»нинг бир қисми бўлажакдир.

Ўн йил ичида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатга асос қурилди. Кўппартиявийлик асосида сайланган парламент уч юзга яқин қонунлар қабул қилиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида тамоман янгича, жаҳон тамойилларига мувофиқ муносабатларнинг ҳуқуқий негизини яратди.

Ижодий меҳнат кишиси сифатида мен учун энг муҳими — она тилим ўз қадрини топиб, давлат тили сифатида олий минбарларда жарангламоқда. Шўро даврида руҳлари бадарға қилинган улуғларимиз ватанга қайтдилар. Наврўз, ҳайит каби қадимий байрамларимиз тикланди. Биз мустақиллик берган бу неъматларнинг қадрига етамиз.

Ифтихор билан айтсак арзийдиган ишлар кўп. Лекин олдиндаги вазифалар, ҳал қилинажак муаммолар янада кўпроқ. Ўтмиш бамисоли икки қўли билан этагимиздан чангаллаб ортга тортаётгандек. Унинг ўткир, кучли панжаларидан халос бўлиб олға жадаллаш қийин кечмоқда. Бу биргина Ўзбекистоннинг муаммоси эмас. Шўро тузумида яшамаган, тоталитар тузум сиёсатини бошдан кечирмаган одам бизнинг ҳозирги қийинчиликларимизни тушунолмайди.

Замоннинг мураккаблиги, ҳайратомуз иши шундан иборатки, тарихий қисмат шўро тузумини қулатиш, унинг ўрнига демократик тузум барпо этиш масъулиятини ўша шўро тузумида тарбия топган ва суяги қотган, демократик тузумда ўзи тугул ота-боболари ҳам яшамаган одамлар зиммасига қўйди. Ҳаётни янгилаш баробарида биз ўзимизни ҳам янгиламоқдамиз. Яхши тушунамизки, бизнинг муаммоларимизни бошқа юртдан биров келиб ечиб бермайди.

Мамлакатимиз раҳбари кейинги йилларда айниқса ёш авлод тарбиясига, унинг ҳар томонлама камолотига кўп эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Улардан умидимиз катта. Қалби озод, фикри теран, ўз юрти ва ўз тақдирининг соҳиби бўлган, дунё билан тиллашоладиган янги авлод ватаним келажагидир. Мен бу келажакка ишонаман. Бағри кенг, саҳий, мард, меҳнаткаш халқимга, табиати гўзал ва бой, осмони қуёшли, тупроғи олтин мамлакатимнинг эртаги кунига ишонаман.

Эркин ВОҲИДОВ.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

Гўдак «инга»сила мунаввар тонглар

Келажаги буюк юртни соғлом авлод қуради. Бу борада мамлакатимизда кўплаб ибратли ишлар қилинмоқда. Термиз туманида 90 ўринли туғруқхона ишга тушиши ҳам шулар жумласидандир. Мазкур туғруқхона тўла замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, қурувчилар томонидан Оналар ва болалар йили муносабати билан аёлларимизга муносиб совға бўлди.

СУРАТДА: ҳамшира Зулфия Мўминова; туғруқхонанинг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ ЛОТЕРЕЯЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ

лаҳзали «Тошкент» пул-буюм лотереясининг учинчи чиқаруви ва лаҳзали «Тенгис» пуллик лотереялари ўтказилиши тугалланганлиги тўғрисида маълум қилади. Ютуқли лотерея билетлари ушбу эълон чоп этилган санадан бошлаб тўрт ой давомида тўловга қабул қилинади. Кўрсатилган муддатдан сўнг ютуқли билетлар бўйича ютуқлар тўланмайди ва эътирозлар қабул қилинмайди.

4429

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи

«Лок колор синтез» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Кенг ассортиментдаги маҳсулотларни таклиф этади:

ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:
- ✓ Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
- ✓ Ташқи деворлар учун бўёқлар.
- ✓ Алкид эмаллари.
- ✓ Полларни бўяш учун эмаллар.
- ✓ Ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар.
- ✓ Акрилат эмаллари.
- ✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.
- ✓ L 80,100,120 мм.ли михлар.
- ✓ Эмульсия елими.
- ✓ Силикат елими.

САНОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:
- ✓ Универсал алкид бўёқлари.
- ✓ Универсал алкид лаклари.
- ✓ Алкид-уретан эмаллари.
- ✓ Акрилат эмаллари.
- ✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.

Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 35.
Тел.: (99871) 1914741,1918094. Факс: (99871) 191746.
E-mail: lokolor@online.ru.

4428

«ҒАЛЛАБАНК»

ОМОНАТЛАРИ ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗГА НАСИБ ЭТСИН!

№	Омонат тури	Сақланиш муддати	Фоизи	Асосий шартлари
1	Муддатсиз, жамғармасиз		16% йиллик	Талаб қилиб олгунча сақланади, ҳоҳлаган пайтда қўйилади ва олинади.
2	Муддатсиз, жамғармасиз		16% йиллик	Махсус кафолатли, тизимдаги ҳоҳлаган филиалига қўйилиб, ҳоҳлаган пайтда банкнинг бошқа филиалидан олиш мумкин.
3	«3 ойлик»	3 ой	10%	3 ойдан кейин 10% қўшиб берилади.
4	«6 ойлик»	6 ой	21%	ҳар 3 ойда 10,5%дан, 6 ойда 21% қўшиб берилади
5	«9 ойлик»	9 ой	32%	ҳар 3 ойда 10,66%дан, 9 ойда 32% қўшиб берилади
6	«1 йиллик»	1 йил	40%	ҳар ойда 3,3%дан, 1 йилга 40% қўшиб берилади
7	«Капитал»-1	3 йил	60% йилига	Фоизи бир йилда бир марта берилади, капитализация қилинмайди.
8	«Капитал»-2	2 йил	52% йилига	Фоизи ҳар 6 ойда берилади, капитализация қилинмайди.
9	«Капитал»-3	1 йил	42% йилига	Фоизи ҳар 3 ойда берилади, капитализация қилинмайди.
10	«Болажон»	2-7 йил	18% йилига	Ҳар йил якунида 18%дан ҳисобланади, капитализация қилинади ва 18 ёшда берилади.
11	«7х25»	1-7 йил	ўртача йиллик 46%	«Соғлом авлод» йили муносабати билан 1-7 ёшда бўлган болалар учун очилган, масалан, 1 ойга тўлган бола номига 8000 сўм қўйилса, банк ушбу омонатчи ҳисобига яна 2000 сўм қўшади ва умумий 10000 сўм омонат ҳисобига йиллик 25% даромад тўлайди.
12	«Истиқбол»	1,5 йил	ўртача йиллик 20%	Мактаб битирувчилари учун 1,5 йил муддатгача 16% даромад тўлаш шарти билан очилиб, шу даврда омонатчи олий ўқув юртига ўқишга кирса 24%дан даромад тўланади.
13	«Янги оила»	2 йил	йиллик 12-18%	Келин ёки куёв учун алоҳида очилса 12% йиллик, ҳар иккаласига очилса 18% йиллик ҳар йил якунида тўлаб берилади. Агар шу даврда оилада фарзанд туғилса, шу фарзанд номига банк томонидан 2000 сўмлик «Болажон» омонати очилади.
14	«Коммунал тўлов»	1 йилга	йиллик 42-48%	10 майдан бошлаб қабул қилиниб, аҳоли уй-жой, коммунал хизматлари ва электр тўловлари учун қабул қилишда қўшимча қулайликлар яратиш учун йилига ўртача 42-48% тўланади, фоизлар омонатчи иштирокисиз коммунал тўловлар учун ўтказиш тарзида ўтказиб берилади.

Сиз омонатларнинг шартлари ва барча ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қўшимча маълумотлар билан «Ғаллабанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги филиал ва бўлимларида ҳамда уларнинг омонат кассаларида танишиш имкониятига эгасиз.

Ҳозирги кунда "Ғаллабанк"нинг 29 та филиал ва бўлимлари, 43 нафар жамғарма шахобчалари ҳамда 10 та мини банки хўжалик субъектлари ва аҳолига депозит ҳисобварақлари очиш ва уни юритиш бўйича қуйидаги манзилларда хизмат кўрсатиб келмоқда.

Тошкент шаҳридаги манзил:
1. *Банк ўқув бўлими: Тошкент шаҳри Ш.Рашидов кўч.,49-а, телефон: (3712) 34-41-59,34-72-90*
2. *Амалиётлар бошқармаси: Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўч.,36,телефон: (3712) 56-24-43,56-22-65*

Филиал ва бўлимлар манзили ҳамда телефон рақамлари:
1. Андижон филиали: *Андижон шаҳри, Фитрат кўч.,36,телефон: (37222) 4-19-38,4-24-13*
2. Андижон филиали "Асака мини банк"и: *Асака тумани Т.Алиев кўч.,5*
3. Қўрғонтепа бўлими: *Қўрғонтепа шаҳри, Тельман кўч.,100, телефон: (37472) 1-10-32,1-24-82*
4. Қўрғонтепа бўлими: *"Дардоқ мини банк"и.*
5. Бухоро филиали: *Бухоро шаҳри, Шевченко кўч.,19, телефон: (3652) 25-85-48,25-75-98*
6. Жиззах филиали: *Жиззах шаҳри, Навоий кўч.,10, телефон: (37222) 6-22-98,4-24-13*
7. Жиззах филиали: *"Дўстлик мини банк"и: Дўстлик шаҳри*
8. Қашқадарё филиали: *Қарши шаҳри, Пролетар кўч.,68,телефон: (37522) 3-24-43,3-25-75*
9. Қарши филиали "Хонобод мини банк"и: *Қарши тумани Хонобод қишлоғи,2*
10. Кўқдала бўлими: *Чироқчи, Айратом қўрғони, телефон: (37556) 2-12-38,2-11-64*
11. Кўқдала бўлими: *"Наврўз мини банк"и.*
12. Яккабоғ бўлими: *Яккабоғ шаҳри, Фурқат кўч.,1,телефон: (37558) 2-46-80,2-47-08*
13. Яккабоғ бўлими "Шаҳрисабз мини банк"и: *Шаҳрисабз шаҳари Беруний кўч.,111-а.*
14. Нукус филиали: *Қизкетген қиш. 6 проезд 12,телефон: (36122) 3-72-19,3-73-46*
15. Нукус филиали *Акманғит мини банки: Нукус тумани,тел. (36142) 5-50-33*
16. Қонликўл бўлими: *Қўнғирот шаҳри, Қорақалпоғистон кўч.,25,телефон: (36131) 2-38-38*
17. Чимбой бўлими: *Чимбой шаҳри, Шайдаков кўч.,36,телефон: (36144) 2-42-56,2-16-82*
18. Беруний бўлими: *Беруний шаҳар Х.Дўстлиги кўч.,10,телефон: (36152) 4-87-82,4-25-18*
19. Наманган филиали: *Наманган шаҳри, Ахси кўч.,2,телефон: (36922) 6-40-66,3-55-76*
20. Поп бўлими: *Поп шаҳри, Дружба кўч.,45,телефон: (36943) 3-21-86,3-26-76*
21. Учқўрғон бўлими: *Учқўрғон шаҳри П.Турсун кўч.,57,телефон: (36946) 2-20-86,2-14-46*
22. Учқўрғон бўлими, Қўғай мини банки: *Учқўрғон тумани Қўғай қишлоғи Мустақиллик кўч.,7, телефон: (36946) 3-21-44*
23. Навоий филиали: *Навоий шаҳри Ғалаба шоҳкўч.,149,телефон: (43622) 4-90-61,4-92-41*
24. Самарқанд филиали: *Самарқанд шаҳри, Сартепа массиви,148-а,телефон: (3662) 21-73-39,31-04-48*
25. Тойлоқ бўлими: *Тойлоқ тумани Тойлоқ қўрғони телефон: (3662) 31-16-04*
26. Сурхондарё филиали: *Термиз шаҳри, Зерновая кўч.,1,телефон: (37622) 4-00-86,4-05-53*
27. Сурхондарё филиали: "Музработ мини банк"и: *Музработ тумани Гагарин қўрғони, телефон: (37622) 2-25-17*
28. Шўрчи бўлими: *Шўрчи шаҳри, Мустақиллик кўч.,38,телефон: (37645) 3-10-62,3-22-61*
29. Сирдарё филиали: *Гулистон шаҳри, Н.Махмудов кўч.,31,телефон: (3672) 25-14-10,25-14-32*
30. Фарғона филиали: *Фарғона шаҳри, Қурувчилар кўч.,13,телефон: (3732) 22-56-64,22-58-27*
31. Қўқон бўлими: *Қўқон шаҳри, Қудуқлик қўрғони, телефон: (37355) 2-30-21,2-50-91*
32. Қўқон бўлими "Боғдод мини банк"и: *Боғдод тумани Мустақиллик кўч.,11,телефон: (37347) 9-11-62*
33. Қува бўлими: *Қува шаҳри, Вокзал.,2,телефон: (37311) 5-31-62,5-37-86*
34. Хоразм филиали: *Урганч шаҳри, Хонқа кўч.,11,телефон: (3622) 27-12-96,27-48-07*
35. Хонқа бўлими: *Хонқа тумани Хонқа кўч.,35-а,телефон: (36239) 9-10-59,9-28-51*
36. Оҳангарон бўлими: *Оҳангарон шаҳри, Ф.Хўжаев кўч.,2,телефон: (264) 5-53-86,5-62-65*
37. Бекобод бўлими: *Бекобод шаҳри, Бирлик кўч.,2,телефон: (291) 2-50-22,2-30-87*

2001 йил июлидан бошлаб АТБ "Ғаллабанк" ўзининг 50,0 млн. сўмлик тақдим этувчига тўлаб бериладиган депозит сертификатлари эмиссиясини муомалага чиқарганлигини маълум қилади. Бир йил муддатга чиқариладиган ушбу депозит сертификатларининг энг кам номинал баҳоси 5000 сўм бўлиб, йиллик 48 фоиз даромад ҳар уч ойда тўлаб борилади. Мазкур депозит сертификатларини сотиб олувчилар учун бошқа қўшимча қулайликлар ҳам мавжуд.

Маълумот учун телефонлар: 136-16-17, 56-24-43

Сизни ўз мижозларимиз сафида кўришдан хурсандмиз!

РАТБ "Ғаллабанк" Бошқаруви

4431

«МЕРДЕКА» КУБОГИ – ҚЎЛИМИЗДА

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ТЎЙИГА АНА ШУНДАЙ СОВҒА ҲАДЯ ЭТИШДИ

Ўтган ҳафта, асосан, миллий биринчилигимизда тўп сурилётган истеъдодли футболчилардан тузилган Ўзбекистон клублари терма жамоаси Малайзияда бўлиб ўтган "Мердека" кубогини қўлга киритди.

Малайзияда ўттиз еттинчи маротаба ўтказилган ушбу мусобақа мутахассис ва футболчиларимиз учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Биринчидан, Ўзбекистон клублари терма жамоаси таркибига жалб қилинган футболчилар маҳорати яна бир бор синовдан ўтказилиб, мураббийларда улар орасидан миллий терма жамоага муносибларини саралаб олиш имконияти пайдо бўлди. Иккинчидан, ҳамюртларимиз жаҳон биринчилиги саралаш беллашувларининг иккинчи босқичига йўлланма олган Таиланд ва Баҳрайн футболчилари билан майдонда куч синашиб, уларнинг ўйин услуби билан танишишга улгурди. Финал баҳсида Европа қитъасида жойлашган Босния ва Герцоговина терма жамоаси билан бўлиб ўтган ўйин ҳам футболчиларимиз учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Терма жамоамиз раҳбарияти бу гал Осиё минтақасининг саралаш беллашувлари иккинчи босқичига ҳозирлик кўриш учун дастлабки йиғинга хорижда тўп сураётган легионерларимизни безовта қилмасдан, Ўзбекистон биринчилигида иштирок этаётган умидли футболчиларни синовдан ўтказишни маъқул топди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон футбол федерациясининг бу қарори узоқни ўйлаб қилинган ишдир. Агар миллий терма жамоамизнинг ўзагини ташкил қилувчи футболчиларимиз асосан Россия биринчилигида иштирок этаётгани ва у ерда чемпионат қизғин паллага кирганини инобатга олсак, россияликлар легионерларимизни бажонидил терма жамоага қўйиб юбормаслиги мумкин. Қолаверса, легионерларимизга Ўзбекистонда тўп сураётган футболчилардан ўринбосар тайёрлаш вақти ҳам етиб келган. Чунки бир неча ҳафтага чўзиладиган саралаш беллашувларининг иккинчи босқич ўйинларида қатнашиш учун легионерларимизнинг ҳаммаси ҳам етиб келади, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шу сабабли навбатдаги баҳсларга тайёрланиш жараёнида мураббийларимиз М.Қосимов, Н.Ширшов, А.Акопянц, С.Лушан, А.Фёдоров, В.Маминов каби етакчи футболчиларсиз терма жамоани синовдан ўтказгани анча маъқул кўринади. Бундан ташқари, Малайзиядаги турнир миллий биринчилигимизда қатнашаётган футболчиларга ҳам халқаро мусабақаларда тажриба тўплаш имкониятини берди.

"Мердека" турнири Ўзбекистон терма жамоаси легионерларсиз ҳам яхши ўйин кўрсата олишини, бунинг учун майдонда баҳамжиҳат, юрт, ватан туйғуси билан тўп сурса, ғалаба қозониш имконияти ошишини яна бир бор кўрсатди. Яъни, миллий биринчилигимизда қатнашадиган чарм тўп усталари ўзларининг ишончли ўйинлари билан халқимизнинг, мамлакатимизда спортнинг тараққиёти учун алоҳида ғамхўрлик қилиб келаётган Президентимизнинг умидини оқлади. Юртимиз мустақиллигининг ўн йиллик тўйига "Мердека"кубогини ҳадя этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ (ЎзА).

Ҳокимга халқаро мукофот

Наманганни бугунга келиб нафақат гуллар, балки спортсеварлар вилояти деб аташаётгани бежиз эмас. Мустақиллик йиллари вилоят ва туман марказларида барпо этилган жаҳон андозаларига мос ўнлаб спорт иншоотлари жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлабгина қолмай, халқаро миқёсдаги йирик мусобақалар учун ҳам кенг йўл очди. Ўтган йили мамлакатимизда ўтказилган кичик олимпиада — «Универсиада-2000»нинг муваффақиятида ҳам вилоятда яратилган шарт-шароит катта аҳамият касб этди.

Буларнинг ҳаммаси вилоят раҳбариятининг жисмоний тарбия ва спортнинг тараққиётига эътиборидан. Бу ерда вилоят ҳокимидан тортиб, меҳнат жамоаларининг етакчиларигача спортга муносабатни ўрнига қўйишади.

Халқаро Олимпия қўмитаси Намангандаги ибратли ишларни эътироф этиб, вилоят ҳокими Тўлқин Жабборовни қўмитанинг махсус мукофоти билан тақдирлади. Кеча республика Миллий олимпия қўмитаси президенти С. Рўзиев ана шу юксак мукофотни эгасига топширди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент шаҳрининг азиз меҳмонлари ва ҳурматли ҳамшаҳарлар!

«Асака» банки

Тошкент шаҳар бўлими

хорижий валютани айирбошлаш бўйича қуйидаги хизматларни тақдим этади:

- нақд хорижий валютани нақд сўмларга сотиб олиш;
- нақд хорижий валютани нақд сўмларга сотиш;
- норезидентлар томонидан ишлатилмай қолган сўмларни қайтадан хорижий валютага алмаштириб бериш.

Хорижий валютани айирбошлаш шахобчалари қуйидаги манзилларда жойлашган:

Яккасарой тумани:
- Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 73, тел.120-83-64;
- Усмон Носир кўчаси, 9 (Ҳаво йўллари марказий агентлиги биноси), тел.56-43-50;
- Усмон Носир кўчаси (Аския бозори), тел.53-61-64.

Мирзо Улуғбек тумани
Бўз бозор кўчаси, 4 (Шаҳар визалар бериш ва рўйхатга олиш биноси), тел.68-66-93.

Миробод тумани:
- Гречушкин кўчаси, 61 (Миробод туман визалар бериш ва рўйхатга олиш биноси), тел.199-54-91;
- Афросиёб кўчаси, 2 (Бизнес-марказ биноси), тел.56-31-81;
- Нукус кўчаси (Миробод бозори), тел. 55-92-12;

Собир Раҳимов тумани
Беруний кўчаси,16 (Собир Раҳимов туман визалар бериш ва рўйхатга олиш биноси), тел. 42-50-95.

Акмал Икромов тумани
Чилонзор, 21-мавзе, 33 (Акмал Икромов туман визалар бериш ва рўйхатга олиш биноси), тел. 75-18-66.

Ҳамза тумани
Авиасозлар бозори, тел. 97-67-18.

«Асака» банки Тошкент шаҳри бўлими сизга мамнуният билан хизмат кўрсатишга ҳамиша тайёр!

Қўшимча маълумотларни 120-83-44 телефони орқали олишингиз мумкин.

4418



Митти ҳайрат.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

ҲИКМАТ

Ўзгалар айбига тетик назар сол,
Ўз айбинг кўргандек ундан ибрат ол.

Сизга шеър айтгим келди

Ўхшаса дунё

Аёлнинг қудрати тоғлардан ошган,
Унинг меҳри гўё дарёдек тошган,
Таъриф айламакка шоирлар шошган
Қанийди, аёлга ўхшаса дунё.

Аёлнинг ҳуснидан ойлар уялган,
Улар-ла бу дунё гулга айланган.
Изидан, ортидан қуёш эланган
Қанийди, аёлга ўхшаса дунё.

Аёл ул онадур, ул оби-ҳаёт,
Муборак сўзлари ҳадису-оят,
Улар бор бу дунё гўзалдир абад
Қанийди, аёлга ўхшаса дунё.

Аёл буюкликдир, аёл соф юрак,
Мудом яхшиликдан қилади тилак,
Аёл ҳаммамизга, ҳаммага керак
Қанийди, аёлга ўхшаса дунё!

Манзура ДЎСБОЕВА, Қўшробот тумани, Оқ мачит қишлоғи.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қурилиш ташкилотлари, фирмалар ва хусусий тадбиркорлар диққатига!

«ДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ» қўмитасига қарашли пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш хўжалик ҳисобидаги Республика бошқармасининг

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ

2001 йилда қурилиши мўлжалланган қуйидаги биноларга ҚАЙТАДАН ТЕНДЕР САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Зарафшон шаҳрида 600/200 ўқувчига мўлжалланган Тиббиёт коллежи.
2. Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, Абай қишлоғида 422 ўқувчига мўлжалланган мактаб.
3. Навоий вилояти, Томди тумани марказида 422 ўқувчига мўлжалланган мактаб.

Буюртмачи: Навоий вилояти ҳокимлигининг Капитал қурилиш бошқармаси.

1. Навоий вилояти Молия бошқармасининг маъмурий биноси.
2. Навоий вилояти, Қизилтепа тумани молия бўлимининг маъмурий биноси.

Буюртмачи: Навоий вилояти Молия бошқармаси.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятларга,тажриба ва нуфузга,зарур одамлар ресурсларига, моддий маблағлар ва бошқа ресурсларга эга бўлиши, шунингдек шартнома (контракт) тузиш фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ва ваколатларига эга бўлишлари талаб этилади.

Танлов савдосида қатнашувчилар тендер ҳужжатларини олиш учун эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида мурожаат қилишлари мумкин.

Офферталар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ойдан кейин очилади.

Манзилимиз: Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32, тел./факс/ 225-53-85.

4413

Табиат мўъжизаси

БАКЛАН – АШАДДИЙ БАЛИҚХЎР

ёки балиқчилик соҳаси олдида турган муаммолар хусусида

Мабодо, балиқчилар билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, гап айланиб балиқларнинг ашаддий кушандахўри бўлган баклан қушларига бориб тақалади. Кўриниши бор-йўғи тустовуқдай ҳам келмайдиган бу жонивор кунига 14 килограммдан зиёд балиқ истеъмол қилишига ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, миттигина бу қуш шундай иштаҳа билан овқатланаверса, бир ойда салкам 420 килограмм балиқнинг бошига етаркан. Агар ана шу балиқларни етиштириш учун сарфланадиган харажат ва ундан кутилаётган фойдани ҳисоблласак, бу миқдор тағин-да ортиб кетади.

Хўш, бу балиқхўр қушлар бизнинг юртимизда қандай пайдо бўлди?

— Ҳақиқатан ҳам, баклан ашаддий балиқхўр қуш, — дейди Янгийўл давлат балиқ чавоғи етиштириш корхонаси раҳбари Зойир ака Суюнов. — Бунга мен хизмат юзасидан республикамизнинг кўплаб балиқчилик хўжаликларида ишлаган даврларимдаёқ амин бўлганман. Улар бундан етти-саккиз йиллар аввал ҳам Оролбўйи ҳудудларида мавжуд бўлиб, денгизнинг қуриши, обҳаво, иқлим шароитининг ўзгариши билан аста-секин бошқа воҳалардан қўним топа бошлашган. Чайкалар қатори баклан қушлари ҳам хўжалигимизда ана шу тариқа пайдо бўлган.

Корхонамиз майдони 258 гектарлик кўллардан иборат. Бу ерда йилига 50 миллионтадан личинка етиштирилиб, боқилади ва катталаштирилади. Бир қисми республикамизнинг бошқа балиқчилик хўжаликларига тарқатилади. Айтиш лозимки, личинкаларни тўлалигича вояга етказиш қийин. Сабаби — уларнинг маълум қисми лаборатория шароитида нобуд бўлса, айримлари кўлларга ташлангандан сўнг қурбақаларга ем бўлади. Бироз каттаргандан сўнг чайка ва баклан қушларига, йирикроқлари эса браконерларнинг ўлжасига айланади.

Ана энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, кўлларимиз атрофида қарийб 150 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Агар уларнинг ҳар бири кунига икки-уч килограммдан балиқни ноқонуний тутиб олиб кетаверса, аҳволимиз нима кечишини тасаввур қила оласизми? Тўғри, бунинг олдини олиш бўйича барча имкониятларни ишга солаяпмиз. Аммо уларга бирон-бир чора кўришнинг ҳечам иложи бўлмаяпти. Ички ишлар ходимларининг таъкидлашларича, икки-уч килограмм балиқ учун жарима солиш ёки жиноий жавобгарликка тортиш қонунда белгиланмаган экан. Кўриб турганингиздек, балиқнинг кушандаси кўп. Албатта, бу республикамиздаги деярли барча балиқчилик корхоналарига тегишли гап. Шунга қарамасдан, барча имкониятларни ишга солиб, белгиланган режаларни ортиғи билан уддалаяпмиз. Аммо юқорида таъкидлаганимдек, зараркунандалар орасида баклан ўтадигани йўқ.

— Хоҳ ишонинг-хоҳ ишонманг, — деб сўзида давом этади Зойир ака, — ана шу қушларга узоқ пайтдан буён қизиқиб юрардим-у, аммо ўзини ҳечам тутолмагандим. Яқинда мақсадимга эришдим. Тажриба ўтказиш олдидан даканг хўроз билан бир уриштириб маҳалладагиларга томоша кўрсатсаммикин, деган фикрга келдим. Шу мақсадда қўшни маҳалладаги танишимнинг даканг хўрозини олиб келиш учун йўлга тушдим. Ишонасизми, хўрозни топиб келгунимча, нари борса, бир соат вақт ўтди. Не кўз билан кўрайки, қафасдаги бакланнинг кўкрагидан пешма-пеш ўрмалаб чиқаётган, чинақайдай-чинақайдай личинкалар уни бир пастда ўзларининг емишига айлантириб олишибди. Бечора баклан жон талвасасида ётибди. Бунинг сабабини мутахассислардан сўраб, билиб олдим: агар у бир дақиқа балиқ ейишдан тўхтаса, вужудига жойлашиб олган личинкаларнинг қурбонига айланаркан.

Бундан шуни англаш мумкинки, тилсиз-забонсиз баклан қуши умр бўйи ўзи учун эмас, балки ўз аъзои баданига зулукдек ёпишиб олган личинкаларга хизмат қиларкан. Хулласи калом, табиатнинг бундай ажойиб ғаройиб ҳодисаси хусусида балиқчилар билан суҳбатлашсангиз, улар бундай воқеаларни сизга истаганингизча ҳикоя қилиб беришлари мумкин. Муҳими, уларнинг қай бирини тингламанг, буларнинг барчаси экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатида республикамиз балиқчилиги олдида бир қатор муаммолар юзага келаётганлигини англаб олиш қийин эмас. Албатта, республикамиз олимлари ва мутасадди ташкилотлари раҳбарлари бу ҳақда бир ўйлаб кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Балки шунда шаҳарларимиздаги балиқ бозорларининг тўкин-сочинлигига ва уларнинг таннархи бирмунча арзонлашишига имконият яратилган бўлармиди?

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жумбоқ



Доира ичида берилган ҳарфларнинг қайсиси бир-бири билан боғлиқ.

29 июндаги жумбоқнинг жавоби: пирогни айлантириб кўриш керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

бакалавриатига 2001-2002 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- *инглиз филологияси;*
- *француз филологияси;*
- *немис филологияси;*
- *халқаро журналистика;*
- *рус филологияси;*
- *испан филологияси.*

Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- *мутахассислик гуруҳи (мутахассислик), ўқув тили кўрсатилган ҳолдаги ариза;*
- *маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *№ 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;*
- *3х4 ҳажмдаги 6 та фотосурат;*
- *паспорт (туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома) ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июлигача қабул қилинади. Қабул комиссияси соат 8.00дан 20.00гача ишлайди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 11-мавзе, 61-уй (университетнинг академик лицейи биноси). Телефон 76-86-37.

Қабул комиссияси.

4426

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти жамоаси маданий-маърифий ишлар кафедраси мудири Клара Маҳмудовага онаси

Дилором ая ПЎЛАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎзМУ қошидаги Олий педагогика институти жамоаси институтнинг ўқув ишлари бўйича директор муовини, кимё фанлари доктори, профессор

Абдураҳмон Исмоилович ҚУРБОНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси жамоаси режиссёр Хосият Азимовага отаси

Раҳимжон СОДИҚОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: *Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 2615. 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Зокир Болтаев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев. Навбатчи — Б. Остонақулов. Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 21.10 1 2 3 4 5 6